Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
14 январь
ЧОРШАНБА
№ 3 (12743)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, қадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 23 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

**Мустақил демократик Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва ривожлантириш бўйича биз босиб ўтган буюк ва шонли йўл миллий армиямизнинг – ён-атрофимиздаги мураккаб ва таҳликали вазиятда тобланган, Ватанимиз мустақиллиги, суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётининг ҳамиша ишончли кафолати бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолаётганини неча бор исботлаб берган мамлакатимиз Қуролли Кучларининг шаклланиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.** Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ва имкониятларига унинг армиясининг жанговар қобилияти ва жанговар тайёргарлигига қараб баҳо берилиши бежиз эмас ва бундай қараш мустаҳкам асосга эгадир.

Биз суверен Ўзбекистоннинг Қуролли Кучларини ташкил этиш жараёнида ҳарбий қурилиш соҳасида мерос бўлиб қолган тажрибадан тўғридан-тўғри нусха кўчиришдан воз кечиб, аниқ ва реал геостратегик ва геосиёсий шароитни, замонавий урушлар ва қуролли можароларнинг қандай хусусиятларга эга эканини ҳар томонлама ҳисобга олдик, Марказий Осиё минтақасида юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос жиҳатлари таҳлилидан келиб чиқиб иш тутдик ва шунингдек, ўзимизнинг азалий миллий фазилат ва анъаналаримизга таяндик.

Ҳарбий қурилиш, қўшинларнинг хизмат-жанговар фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва замонавий ҳарбий санъат ютуқларини чуқур ўрганиш ва улардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган, босқичма-босқич ва ўзаро боғлиқ ислоҳотлар дастурларини самарали ва изчил амалга ошириш армиямизни ташкил этишнинг кўп жиҳатдан ҳал қилувчи шарти ва гарови бўлди.

Шу маънода, хорижий давлатларнинг мудофаа идоралари билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш бизнинг энг муҳим устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда. Ана шундай хорижий мудофаа идоралари билан ўзаро манфаатли шериклик муносабатлари ўрнатилган бўлиб, бундай ҳамкорлик кенгайиб бормоқда, икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасидаги йиллик режалар амалга оширилмоқда.

Бизнинг Қуролли Кучлар қурилиши борасидаги режаларимизга мувофиқ, ҳарбий қўшинларни модернизация қилиш ва уларни энг янги қурол-яроғ ва техника, жумладан, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва вертолётлар, бронетанк қуроллари, артиллерия тизимлари, алоқа воситалари, алоҳида ва гуруҳ бўлиб ҳимояланиш воситалари билан қайта қуроллантиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, илғор ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги замонавий ютуқлардан фойдаланган ҳолда, ўқув жараёнларига таълимнинг инновацион шакл ва усулларини жорий этиш орқали Қуролли Кучлар академияси, ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактабларида ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини энг янги методлар асосида такомиллаштириш борасидаги узлуксиз ишларимиз долзарб аҳамиятга эгадир.

Шу маънода, офицер ва сержантлар таркибининг профессионал малакасини оширишда етакчи хорижий давлатлар армияларидаги ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш ва уларнинг хизмат фаолиятини ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш ҳамда бу тизимни бизнинг шароитимизга мослаб жорий этиш катта ижобий роль ўйнаганини қайд этиш лозим.

Бу соҳада амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар туфайли мамлакатимиз офицерлар таркиби ўзининг дунёқараши, билим ва тажрибасини доимий равишда кенгайтириб, юксак касбий малака ва маънавий-ахлоқий фазилатларга, мантиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлиб бормоқда ва ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишда ностандарт ёндашувларни фаол қўллашга қодир бўлмоқда. Сержантлар сўзда эмас, амалда офицерларнинг энг ишончли ва яқин ёрдамчиси ҳамда таянчига, аскарларимизнинг меҳрибон мураббийсига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Мудофаа қурилиши соҳасида бошқарув органлари ва қўшинларнинг оператив ва жанговар тайёргарлик тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги ҳарбий ўқув машғулотлари мустақилликнинг биринчи йилларида ўтказилган машқлардан тубдан фарқ қилади. Йилдан-йилга жанговар шароитларга энг кўп даражада яқинлаштирилган ҳолда ўтказилаётган бундай ўқув машғулотлари қўшинлар тайёргарлигининг бутун тизимини танқидий таҳлил қилиш, ҳар бир батальон ва взводнинг имкониятларини, шунингдек, жанговар вазифаларни бажаришда танланган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва мавжуд вазиятга айнан мос келишини бўлинмаларнинг бир-бирининг ўрнини қай даражада боса олиши ва шахсий таркибнинг ўзаро яқин бўлган турдош мутахассисликларни қанчалик пухта эгаллагани нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради.

Миллий армиямизни шакллантириш ва ислоҳ қилиш жараёнида тўпланган тажрибани барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар, чақириқ ёшига етмаган ўғлонларимиз ўртасида ҳар томонлама тарғиб қилиш ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этишда кенг қўллаш фаолиятимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Армияда хизмат қилиш ёш авлодимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминланганини билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, аввалambор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади.

Мустақиллик йилларида ҳар томонлама тайёргарликка эга ва армияда чиниқиш мактабини ўтаган, ҳар қандай фурсатда Ватан ҳимояси учун тайёр бўлган бутун бир авлод вояга етди ва мустаҳкам оёққа турди, деб ғурур ва ифтихор билан таъкидлашимиз мумкин.

Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизматни ўташ шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолмоқда. Ўз ҳаётини ушбу шарафли касбга бағишлаган ҳар бир ҳарбий хизматчи яхши билиши шарт: унинг муаммолари эътиборсиз қолмайди ва оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги ишончли равишда кафолатланган.

Юртимизда 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши биздан уруш қатнашчилари ва Қуролли Кучларимиз фахрийларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик, чинакам инсоний меҳр ва эътибор кўрсатишга қаратилган ҳукумат қарорлари ва давлат дастурларини сўзсиз бажаришни талаб қилади.

Бугунги кунда кўплаб муҳтарам фахрийлар ва устозларимиз ўзининг ноёб тажрибаси, билим ва малакасини Ватан ҳимоячиларининг янги авлодига ўргатиб, мамлакатимизни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.

Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар жиҳатдан фаровон ҳаёти – мамлакатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрў-эътибори нақадар юксак эканини намоён этадиган энг ёрқин кўрсаткичдир.

Ҳурматли ватандошлар!

Бугунги кунда бизнинг яқин ва олис ён-атрофимизда вужудга келаётган вазиятга баҳо берар эканмиз, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг кўлами кенгайиб бораётганини, яъни, пайдо бўлаётган қарама-қаршиликларни ҳал этишда куч ишлатишга зўр бериш устунлик қилаётгани, хомашё ресурслари ва коммуникациялар устидан назорат қилиш бўйича геосиёсий рақобатнинг ошгани, ядро технологиялари ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, халқаро терроризм ва экстремизмнинг кенг тарқалаётган экспансиясининг фаоллашуви, миллатлар ва конфессияларaро можароларнинг кучаяётганини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Дунёнинг турли минтақаларида вужудга келаётган хавф-хатар, низо ва зиддиятлар ҳамда қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётганини, улар тинч йўл билан ҳал этилмасдан, аксинча, кескинлашаётганини афсус билан тан олишга мажбурмиз.

АЙСАФ деб ном олган тинчликпарвар кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар учун жиддий синовга айланмоқда. Ироқдаги аччиқ тажриба яққол кўрсатганидек, Афғонистонда юзага келадиган ҳар қандай бўшлиқни бу минтақанинг катта ҳудудига ўзининг вайронкор таъсирини ёйишга қодир бўлган турли бузғунчи ва террорчи гуруҳлар, фанатик кучлар қисқа фурсатда эгаллаб олиши мумкин.

Бугунги кунда ноанъанавий таҳдидлар халқаро можароларнинг қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда ва информацион-психологик хуружлар сезиларли хавф-хатар туғдирмоқда. Улар армиямизнинг негизига путур етказиш, аввало, унинг маънавий-ахлоқий асосларига таъсир ўтказишга уриниш ва шунингдек, замонавий интернет технологияларидан фойдаланиш орқали бизнинг бунёдкорлик руҳидаги бой маданиятимиз, маънавий қадрият ва анъаналаримизга мутлақо зид бўлган бузғунчи ғоя ва тушунчаларни ёшларимизнинг онгу тафаккурига сингдиришга қаратилгани билан айниқса хатарлидир.

Шунинг учун минтақамизда ва бутун дунёда мураккаб ва олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият вужудга келган бир шароитда ҳушёр ва огоҳ бўлиш, эришилган натижалардан хотиржамлик туйғусига берилмаслик, Қуролли Кучларимизни янада изчил ислоҳ қилиш бўйича қатъий саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш, чегараларимизда кескинликни келтириб чиқариши мумкин бўлган барча уринишларнинг олдини олиш борасида миллий армиямизнинг тайёргарлигини кучайтириш, биз танлаб олган тараққиёт йўлига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузкор ҳаракатларга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш ўта муҳим, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ўзининг тинчликсевар сиёсатига ҳамиша содиқ бўлиб келганини ва шундай бўлиб қолишини яна бир бор таъкидлаш зарур. Бизнинг Ҳарбий доктринамиз мудофаа хусусиятига эга бўлиб, Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, давлат суверенитети ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини, одамларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга йўналтирилгандир. Мамлакатимиз Мудофаа доктринасига кўра, бизнинг армиямиз Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ҳарбий ҳаракатлар ва операцияларда иштирок этмайди.

Қадрли дўстлар!

Мана шу қутлуғ байрам айёмида сиз, азизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Барча ҳарбий хизматчилар – аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга, шунингдек, Қуролли Кучларимиз фахрийларига, мутахассис фуқароларга, ўз тақдирини она Ватанимизни ҳимоя қилишдек муқаддас, шарафли ва масъулиятли бурчни адо этишга бағишлаган барча-барча инсонларга фидокорона хизматлари учун самимий миннатдорлик билдираман.

Янги – 2015 йилда барчангизга мустаҳкам соғлик, бахт ва омад ёр бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.**




## МЕҲРИНГ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА

**Тинчлик... Дунёнинг бу энг улуғ неъмати жаҳон миқёсида кундан-кунга ноёблашиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шукрким, мустақил диёримиз осмони мусаффо, халқимиз тинч-тотув, эмин-эркин умргузаронлик қилмоқда. Боиси, мамлакат куч-қудрати, шаън-шавкатини белгиловчи ишончли армиямиз – мустақил Ўзбекистонимизнинг Қуролли Кучлари ҳамиша сергак, мустаҳкам таянч, юрт осудалиги учун муносиб қалқондир. Истиқлол йилларида Ўзбекистон Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида қайта шакллантирилган миллий армиямиз бугунги кунда энг замонавий техника, юксак ҳарбий билим ва лаёқатга эга бўлган забардаст ҳимоячи, ишончли халоскорга айланди.**

(Давоми 2-бетда).

Жараён

## СЕНАТ АЪЗОЛАРИ САЙЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 52-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови бўйича Тошкент вилояти, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.**

**Йиғилишни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ҳотам Сайдаҳмедов олиб борди.**

Қўшма мажлис кун тартибида Сенат аъзоларини сайлаш тўғрисидаги масала кўрилди. Қонунга биноан, вилоятдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига яширин овоз бериш йўли билан олти нафар Сенат аъзоси сайланди.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлисида Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов иштирок этди.

**Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатларининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Уни Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши раиси – вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов олиб борди.**

## НОМЗОДЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Сессияда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг $18^{1}$-моддасига мувофиқ Тошкент вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар муҳокама қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилди.

*Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори*

### М. Б. Бухарбаевни Бекобод шаҳар ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Бухарбаев Мамасабир Бухарбаевич** 2015 йил 10 январдан Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Бекобод шаҳар ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

*Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори*

### Ж. Б. Абдураззоқовни Қуйи Чирчиқ тумани ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Абдураззоқов Жахонгир Боқижонович** 2015 йил 10 январдан Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Қуйи Чирчиқ туман ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

*Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори*

### М. Р. Дадажоновни Оққўрғон тумани ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Дадажонов Мамуржон Рахимович** 2015 йил 10 январдан Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Оққўрғон туман ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

*Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори*

### И. Д. Эргашходжаевни Пискент тумани ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Эргашходжаев Исламджан Джасурович** 2015 йил 10 январдан Тошкент вилояти Пискент тумани ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Пискент туман ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

*Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори*

### Б. А. Ибрагимовни Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Ибрагимов Бектемир Абдакимович** 2015 йил 10 январдан Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ туман ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

*Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори*

### У. Б. Атемовни Юқори Чирчиқ тумани ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Атемов Ускенбай Бусинович** 2015 йил 10 январдан Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

*Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори*

### Ш. А. Пулатовни Олмалиқ шаҳар ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Пулатов Шухрат Артыкович** 2015 йил 10 январдан Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

# Муқаддас, шарафли ва масъулиятли бурч соҳиблари

## ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган Ўзбекистон Республикасининг биринчи тарихий Қонуни "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида" бўлиб, 1991 йилнинг 31 августида имзоланган. Мазкур Қонуннинг 6-моддаси бевосита мамлакатнинг ҳарбий мустақиллигини таъминлаб беради: "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузади, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга".

Орадан олти кун ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу 1991 йилнинг 6 сентябрида имзолаган Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди.

Кўп ўтмай, яъни 1992 йилнинг 14 январида мамлакат мудофаа тизимини мустаҳкамлашда тўртинчи дадил қадам ташланди. Олий Кенгаш шу куни тарихий қарор қабул қилди. Унга кўра, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган собиқ иттифоқ Қуролли Кучларининг барча қисмлари, қўшилмалари, ҳарбий билим юртлари, бошқа муассаса ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олинди. Шу билан мустақил мамлакатимизда Қуролли Кучларни барпо этишнинг дастлабки ташкилий даври якун топди.

Аммо Қуролли Кучларимизни шакллантириш, уни замон талаблари даражасида такомиллаштириш изчил давом этди. 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг махсус "Мудофаа ва хавфсизлик" масалаларига бағишланган бобида шундай дейилади: "125-модда. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.



Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

126-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга".

Ўзбекистон – ягона Ватанимиз. Ватан ҳимояси эса биз – барча фуқароларнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

Миллатимиздан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида ҳар биримиз умримиз давомида Ватан тақдири, унинг равнақи, тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидойиларча хизмат қилишимиз шарт ва зарур. Модомики шундай экан, Ватан ҳимоячилари куни – барчамизнинг байрамимиз. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрда қабул қилинган Қонунига биноан 14 январь "Ватан ҳимоячилари куни" деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш билан боғлиқ мулоҳазаларини баён этиб, мамлакат сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юрт осуда ҳаётини ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатдан ихчам, сифат жиҳатдан ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифаларимиздан бири эканини айтди. Мақсад – профессионал, яъни энг ривожланган мамлакатларда бўлгани каби, шартнома-контракт асосидаги, аниқроғи, ҳар бир ҳарбий хизматчи ва давлат ўртасида шартнома тузиладиган армияни вужудга келтиришдан иборат эди. Шу муносабат билан Қуролли Кучларда хизмат ўташ муддати 18 ойдан 12 ойга қисқартирилди.

Армия тубдан ислоҳ қилинди. Бугунги кунда армия хизматининг уч тури мавжуд: муқобил хизмат (1 ой), мажбурий хизмат (1 йил), шартнома асосида хизмат.

Бугун истиқлолнинг ширин меваларидан баҳраманд бўлиб турган кунларимизда яқин ўтмишни, Ватан ҳимояси масаласини бир соат, бир лаҳза бўлсин унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бежиз эмаски, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон халқига Янги йил табригида 2014 йил ҳақида, барчамизнинг эътиборимиз марказида туриши зарур бўлган вазифалар ҳақида гапира туриб, жумладан, шундай деди: "...Энг аввало, қўлга киритган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, бепарволик кайфиятига берилмасдан, эришган натижаларимизни танқидий баҳолаб, ҳаёт талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, кўзлаган истиқболимизга қадам қўйишимиз ниҳоятда муҳимдир". Ушбу фикр мантиқи бевосита Ватан ҳимояси масаласига тақалади: "Шу маънода, биринчи навбатда, юртимизда тинчлик ва осойишталикни, меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни, қўшниларимиз билан дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ҳар қандай бало-қазоларни остонамизга йўлатмаслик, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраш, бунинг учун Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини оширишга алоҳида эътибор бериш – бугунги кунда нотинч замоннинг ўзи олдимизга қўяётган долзарб вазифалар қаторида сақланиши зарур".

Ўзбекистон – ягона Ватанимиз. Бу Она маконни асраб-авайлаш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессори вазифасини бажарувчи.**

## МЕҲРИНГ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энди ўзбек ўғлонлари Ватан ҳимоясини, Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида хизмат қилишни муқаддас бурч, йигитлик ғурури, ор-номуси деб тушунишади. Бундай юксак маънавиятли, имон-эътиқодли Ватан ҳимоячилари юртимиз сарҳадлари, вилоятимиз ҳудуди, хавфсизлигини таъминлашда ҳамиша собит.

Вилоят ҳокимлиги улар шарафига Олмалиқ шаҳри "Металлург" маданият марказида тантанали байрам тадбири уюштирди. Унда Тошкент ҳарбий округи қўмондонлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегара қўшинлари, вилоят прокуратураси, адлия, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, офицерлар, сержант ва аскарлар иштирок этди.

Тадбир ҳарбий оркестр садолари остида Ўзбекистон байроғини олиб кириш билан бошланди. Тантанада сўз олган вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов жумладан шундай деди:

– Бугун мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни, фуқароларимизнинг осойишта ҳаётини, давлатимизнинг мудофаа қудратини таъминлашда муҳим ўрин тутувчи Ўзбекистон Қуролли Кучлари, унинг сафларида хизмат қилаётган барча ҳарбийларимизни Ватан ҳимоячилари куни билан қутлаш учун йиғилганмиз. Мустақиллик йилларида ҳурматли Президентимиз раҳнамолигида Ватан хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлайдиган, юксак маънавият, мустаҳкам эътиқодга эга, ҳар томонлама мукаммал, забардаст миллий армиямиз шаклланди. Унинг сафларида вилоятимизнинг ўктам йигит-қизлари ҳам бор. Сўнгги йилларда улар учун яратилаётган қулайликлар, шарт-шароитлар туфайли ҳарбий хизмат, Ватан мудофааси деган тушунчалар чуқур ҳурмат, фахр-ифтихор, ғурур билан тилга олинмоқда. Йигитларимиз бир йиллик ҳарбий хизматни ўташ учун чуқур билим, пухта тайёргарлик билан боришмоқда. Айниқса, ота-оналар ҳарбий хизматни ўз Ватанида ўтаётган ўғлонлари тақдиридан хотиржамлар...

Дарҳақиқат, халқимиз фарзандлари камоли, эл-юрт хизматига камарбаста ўғлонлари билан ҳамиша фахрланиб келади. Байрам муносабати билан бир қатор аскарлар, ҳарбий қисм ва бўлинмалар вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг Ватан посбонлари, мард, жасур ўғлонларга бағишланган шеърлари, ҳарбийларнинг жўшқин ҳаёти ҳақидаги лавҳалар, Чирчиқ ҳарбий академик лицейи ўқувчиларининг чиқишлари, эл ардоғидаги санъаткорлар ижросидаги концерт дастури барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## ВАТАНГА ХИЗМАТ – ЧИНАКАМ БАХТ

**Ёқубжон Аъзамов ўз Ватанига садоқатини намунали хизмати орқали намоён этган юртдошларимиздан. У узоқ йиллар Янгийўл тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимида ишлаган.**

– Она Ватан ҳимоясида сергак туриб, элга хизмат қилишни муқаддас бурчи деб биларди, – дейди ҳамкасби Фарҳод Мўминжонов. – Ундаги куч-ғайрат, ишга масъулият билан ёндошиш, шунингдек, тўғри сўз ва ҳалоллиги кўпчиликка ибрат бўлган.

Уч йил бурун Ёқубжон Аъзамов иш жойида жабрланувчилар билан суҳбатлашаётган пайтда жиноятчи унга суиқасд қилди. Кескин вазиятда ҳам ҳушёрликни йўқотмаган Ёқубжон жиноятчини қонун ҳимоячилари қўлига топшириб, ўзи ҳалок бўлди.

– "Онажон, уйимизга бориб, биз билан қолинг, илтимос, суҳбатингизга тўймадим", деган гапи кечагидек ёдимда, – дейди Холида Аъзамова. – 2 октябрь эди ўшанда. У ёқ бу ёқдан гаплашдик. "Онажон, сизни жуда соғинаман" деб хайрлашганди...

"От изини той босади" деганларидек, Ёқубжон Аъзамовнинг ўрнини фарзандлари эгаллаши шубҳасиз.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## НИҒМАТИЛЛАНИНГ ЖАСОРАТИ

**Саратоннинг нафаси димоғни куйдирадиган пайтлар эмасми, Қорасувнинг Байтқўрғондан оқиб ўтувчи Бўзсув канали ёш-яланг билан тўлиб-тошган. Сузишни билмаса-да, томоша важидан бу ерда ҳозир бўлган Мансуржонни қуёшнинг заррин нурларидан мавжланаётган сув тобора ўзига чорлаётгандек эди гўё. Энди, акасининг: "Чўкиб кетасан" деган пўписасидан кўра, болакайда чўмилувчиларнинг қий-чувидан тўлқинланаётган сувга қизиқиши устунлик қила бошлаган эди...**

Чўмилиш айни авжига чиққан пайт: "Кимдир чўкаяпти", "Ёш бола экан", "Суза олмаяпти" деган ҳайқириқлар бутун майдонни, ҳатто қуёшда тобланиб пинакка кетганларни ҳам саросимага солиб қўйди. Биринчилардан ёрдамга ошиққан Ниғматилла Мансуржонни қирғоққа олиб чиқди.

Бу воқеага йигирма йилдан ошди. Ўшанда, Мансуржоннинг бувиси: "Ўзимнинг қутқарувчи болам" дея эркалаши Ниғматилла қалбини тўлқинлантириб юборди. Кекса онахоннинг дуосини олгани, миннатдорчилик эшитгани баробарида ўн олти ёшар ўспириннинг хаёлида ғужғон ўйнаётган саволларга жавоб топилгандек эди. "Мен қутқарувчи бўламан!" деган қатъий қарорга келди Ниғматилла.

Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси Чирчиқ тез ҳаракат қилиш махсус отряди қутқарувчиси Ниғматилла Валламовнинг шу соҳада фаолият бошлаганига ўн икки йилдан ошди. Бу муддатнинг ҳар бир дақиқаси Н. Валламовнинг фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Боиси, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб соҳага қаратилаётган эътибор, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, кадрларнинг тайёргарлик салоҳиятини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар касбдошлари қатори вазифасини сидқидилдан бажарувчи Н. Валламовга ҳам янги имкониятлар эшигини очди. Машғулотларда обдон чиниққан Ниғматилла гуруҳнинг ҳар бир қутқарув операциясида юксак маҳоратини кўрсата олди. Кўплаб бошига фалокат тушганларнинг мушкулини осон қилди.

Давлатимиз Н. Валламовнинг меҳнатларини муносиб баҳолаб, ўтган йили "Жасорат" медали билан тақдирлади.

**Аваз БЕКОВ.**



## ДИЙДОР УЧУН ТАШАККУР

Тошкент Давлат аграр университетида вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент ҳарбий округи, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви ҳамкорлигида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Менинг ўғлим – Ватан ҳимоячиси" номли видеоконференция ўтказилди. Уни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева очар экан, шундай деди:

– Ҳурматли меҳмонлар, азиз аскар оналари, Ватан ҳимояси учун хизмат қилаётган мард ўғлонлар! Бугун сизларга ҳар қанча ҳурмат-эҳтиром кўрсатсак оз. Зеро, кундан-кунга чирой очиб, халқаро майдонда нуфузи ортиб бораётган мустақил Ўзбекистон, жонажон Ватанимиз тинчлиги, халқимизнинг фаровон турмушини асрашдаги хизматингиз катта. Бунинг учун аввало, сизларга шундай шароит, имконият яратишга бош-қош бўлаётган мамлакатимиз раҳбарига, қолаверса, юртга ўғил ўстириб бераётган оналаримизга таъзим қиламиз.

Қаторимизда ҳарбий хизматни Навоий вилоятида ўтаётган аскарларнинг оналари ҳам бор. Одатда Она қалби хотиржам, ўғлидан кўнгли тўқ бўлса, йигитларимиз ҳам ҳарбий хизматни муваффақиятли адо этадилар. Шу маънода бугунги видеоконференция, Навоийда хизмат қилаётган ўғлонларимиз билан телемулоқот оналарга беқиёс қувонч бағишлаши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, икки вилоят – Тошкент ва Навоий ҳокимликлари ҳамкорлигидаги телемулоқот аввало оналарга, қолаверса, аскар йигитларимизга кўтаринки кайфият, шодхуррамлик бахш этди. Ширин дийдор, бахтли лаҳзалар учун тадбир ташкилотчиларига чуқур миннатдорлик изҳор этилди. Иштирокчиларда, шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир шеърлари, севимли санъаткорлар ижросидаги концерт дастури катта таассурот қолдирди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## МУКОФОТ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун бир қатор юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.**
**Улар орасида вилоятимизнинг қуйидаги вакиллари ҳам бор.**

**"Жасорат" медали билан**

**Ахралхонов Нуриллахон Сайдиллахонович** – Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди қутқарувчиси

**Самадов Зокир Ниёзович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси тоғли ҳудудларда оператив хизмат кўрсатиш бўйича жиноят қидирув бўлинмаси катта тезкор вакили

**"Содиқ хизматлари учун" медали билан**

**Худайбердиева Назира Мардиевна** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги "Қамчиқ" қидирув-қутқарув отряди фельдшери

**"Шуҳрат" медали билан**

**Нормаматов Бахтиёр Утабович** – Чирчиқ ҳарбий суди раиси

## ҲАРБИЙЛАР ШИФОКОРЛАР НАЗОРАТИДА

**Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Қибрай тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари тиббий кўрикдан ўтказилди.**

Аниқланган касалликлар бўйича муолажалар белгиланди. Хасталиклари жиддий деб топилганларни шифохона шароитида даволаш таъминланди.

**Комила ТЎЛАГАНОВА.**

## МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ

**Истиқлол йилларида Қуролли Кучлар тубдан ислоҳ қилингани туфайли мамлакат хавфсизлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини, аҳоли тинч ва осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, юксак қобилият ва тайёргарликка эга миллий армиямиз шаклланди. Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келдики, бугун бу сафда хизмат қилиш ҳар бир йигит учун нафақат бурч, балки том маънода шон-шараф ишига айланди.**

**Ишлар қалай, Фарҳод!**

Аскар бўлиш Фарҳоднинг болалик орзуси эди. Бироқ ушоққина бўлгани учунми, мактабда жисмоний тарбия дарсларида анча қийналарди. Шариф муаллим эса: "Бу юришинг бўлса, сени ҳарбий хизматга олишмайди", деб танбеҳ бергани-берган эди. Бу сўзлар камситишдек таъсир қилган эканми, қўшимча спорт турлари билан жиддий шуғулланди, армиядан чақирув қоғози келди дегунча, туман марказига чопадиган бўлди. Ниҳоят, ҳарбий хизматга жўнашидан бир кун аввал ўзи таҳсил олган мактабга бориб, Шариф муаллим билан алоҳида хайрлашди:

– Табрикланг, мени хизматга олишди...

Бу гапга кўп бўлгани йўқ. Фарҳод каби ҳарбий хизматни ўз келажаги, мақсад-муддаолари сари муҳим йўл деб билаётган ёшлар тобора кўпаймоқда. Бундай фарзандлар билан бугун нафақат ота-она, қариндош-уруғ, балки бутун маҳалладошлар фахрланишади.

– Ўғлимиз Фарҳоджонни хизматга кузатаётганда, бироз хавотирланган эдим, – дейди Қибрай тумани "Хўжақўрғон" маҳалласида яшовчи Шоҳиста Баҳромова. – Негаки, ёлғиз ўғил бўлгани учун бироз эркароқ ўсганди. Шу феъл-атвори унга хизматда панд бериб қўймасмикин, дегандим. Бироқ, ўғлимиз болаликданоқ аскарликни орзу қилгани, бунга ўзини ҳар жиҳатдан тайёрлаб боргани учун унга оқ фотиҳа бердик. Фарҳод ҳарбий хизматдан қайтганида уни аскар либосида кўриб, чинакам йигитларга хос шаҳду шиддатидан фахрланиб кетдим. Қувонарлиси, армиядалик чоғида олий ўқув юртига киришга ҳам пухта тайёргарлик кўрган экан. Бу ниятига эришишида хизматдан ижобий тавсифнома олгани жуда катта ёрдам берди – биринчи уринишдаёқ Тошкент Давлат автомобиль йўллари институтининг ўзи хоҳлаган факультетига ўқишга қабул қилинди.

Дарвоқе, байрам арафасида Фарҳод билан учрашиб қолдик. Ҳарбий либосда танимай қолибман. Ўқишни битириб, болаликдан орзу қилган соҳасида ишлаётган экан. Оила қургани, севган касби, эришаётган муваффақиятлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Шунда елкаларидаги қўшалоқ юлдузга кўзим тушди.

**Йигитни чиниқтирадиган мактаб**

– Армияда бўлган йигит ҳам маънан, ҳам жисмонан чиниқаркан, – дейди Зангиота туманидаги "Роҳатой" фермер хўжалиги раҳбари



Жўравой Маҳаматов. – Шунданми, кўпчилик иш берувчилар ходим танлашда аввало, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга эътибор қаратишади. Ҳозир хўжалигимиз аъзолари орасида қишлоғимизнинг ҳарбий хизматни ўтаб қайтган беш-олти йигити бор. Ҳар ишни ўрнига қўйиб бажаришда, хўжалик ривожи учун жон куйдиришда улар ҳаммага ўрнак. Айниқса, Ватанга, эл-юртга муҳаббат, оилага садоқат, ота-онага, жамоадошларга меҳр-оқибатларини кўриб қойил қоламан.

**Эътибор ва рағбат**

...Бўстонлиқлик бир гуруҳ ёшлар иштирокида ўтказилган "Уч авлод учрашуви"да бугунги тинч ва осойишта кунлар қадри ҳақида сўз бораркан, гап айланиб, миллий армиямиз ҳаётига тақалди. Оқсоқоллардан Заҳриддин ота Қобилов ҳамқишлоғи, Тошкент ҳарбий округига қарашли қисмлардан бирида хизмат қилаётган Асомиддин Шаҳобов ҳақида фахрланиб гапирди:

– Шу йигитни кўрсам, қувониб кетаман. Армия фарзандларимизни маънавий жиҳатдан ҳам камол топтираяпти, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашаяпти. Асомиддин ҳам кўз олдимизда катта бўлди. Бир қарасам: "Хизматга кетаяпман", деганди. Бир кўрганимда, қўлида китоб-дафтар – ўқишга кирибди. Кўп ўтмай бўй-бастига ярашган аскар либосида кўрдим. Ҳарбий соҳада хизматни давом эттираётган экан. Бу орада уйланди, фарзандли бўлди. Мустақиллик байрами арафасида эса жуда хурсанд ҳолда кўрдим. Давлатимиз бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уй-жойларнинг калитини берибди. Улар орасида бизнинг Асомиддин ҳам бор экан.

**Дилафрўздан хат келди**

Наманганлик Муҳриддин Унаров уч йил аввал Чирчиқ Олий танк қўмондон-муҳандислик билим юртини катта иштиёқ билан дараклаб келди-ю, мақсадига ета олмади. Шунда бундай нуфузли даргоҳнинг курсанти бўлиш учун иштиёқнинг ўзи камлик қилиши, бунинг учун катта интеллектуал ва жисмоний тайёргарлик лозимлигини тушунди. Шу мақсад рўёби учун муддатли ҳарбий хизматга отланиб, муваффақиятли якунлади, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлди. Ниҳоят, ўтган йили яна Чирчиққа йўл олди.

Айни пайтда мазкур билим юрти мамлакатимиз Қуролли Кучларига бир қанча мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар етиштириб бермоқда. Бўлажак офицерларга мукаммал таълим-тарбия бериш учун барча шароитлар яратилган. Ахборот-ресурс маркази, спорт мажмуаси, маданий ҳордиқ олиш хоналари ҳам улар ихтиёрида.

...Қишнинг бир тутам куни оёқлаб, курсантлар батальони техник тайёргарлик полигонидан навбатдаги тактик машғулотларни муваффақиятли ўтаб қайтди. Кечки овқатдан сўнг курсант Муҳриддин Унаровга Попдан хат борлигини айтишди. Хатжилдга "Байрамингиз муборак бўлсин!" деб ёзилган бежирим табрикнома солинган бўлиб, у... ҳамқишлоғи Дилафрўздан экан.

Бундай эътибор дафъатан Муҳриддиннинг қалбида ҳақиқий юрт ҳимоячисига хос қатъийлик, ўктамлик ва ватанпарварлик ҳиссини янада жўш урдириб юборди.

**Шерзод ШУҲРАТОВ.**
**Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.**

Маънавият




***Тинчлик ва хотиржамлик Аллоҳ Таоло сизу бизга берган улуғ неъматлардир. Тинчлигимиз, осойишталигимиз, баракали меҳнат қилишимиз, фарзандларимиз ўсиб-улғайиб, комил инсон бўлиб етишишида, шубҳасиз Ватан ҳимоячиларининг ўрни беқиёсдир. Қалбида Ватан ва халқига меҳр-муҳаббати мустаҳкам бўлган шижоатли ўғлонлар юрт сарҳадларини сергаклик билан қўриқламоқдалар.***

# САДОҚАТ САБОҒИ

Ватан ҳимоясида фақат ҳарбийлар эмас, балки шу заминда яшаётган барча фуқаролар – ўқитувчи ёки шифокорми, тадбиркор ёхуд хизматчими, ҳамма бирдек туриши керак. Бу фақат қурол билан эмас, керак бўлса сўз билан ғанимларга зарба бериш орқали Ватанга тош отувчи иғвогарларга қарши курашиб, ўз юрти, миллати, халқини ҳимоя қилиш зарур дегани.

"Кимки Аллоҳ Таоло йўлида бир кун ёки бир кеча чегара пойласа, унга бир ой кундузи рўза тутиб, кечаси ибодат қилганлик савоби ёзилади. Кимки сарҳадни қўриқлаб турганда ҳалок бўлса, унга ҳам худди шундай ажру савоб мукофоти бўлади ва у барча фитналардан омонда бўлади" дейилади муборак Ҳадисда.

Она Ватан ҳимояси ҳақида сўз борар экан, Темур Малик, буюк саркарда Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби улуғ юртпарварлар, Ватан озодлиги йўлида қўлида тиғ ила жон берган Шайх Нажмиддин Кубро, Ватан ҳажри ва доғида ёниб ўтган Бобур Мирзолар ибрати беихтиёр кўз олдимизга келади. Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темурнинг нақадар ватанпарвар бўлгани тарихдан яхши маълум. Улуғларимиз таъкидлаганидек: "Миллат ғамида ёнган, унинг истиқболи ва истиқлоли йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва тарих ҳеч қачон унутмайди. Амир Темур ана шундай тарихий ва унутилмас шахсдир".

Бизлар ўз фарзандларимизга шу улуғларимизнинг Ватан ҳимояси ва манфаати йўлида кўрсатган буюк жасоратлари ва садоқатларини англатмоғимиз лозим. Шунда улар қалбидан Ватанга муҳаббат туйғуси, юртни ташқи кучлар хуружидан ҳамиша ҳимоя қилиш ҳисси мустаҳкам ўрин олади. Зеро, Ватан ҳимояси барчанинг муқаддас бурчи.

Азиз юртимизда истиқлол берган улкан имкониятлар ҳақида қанча сўзласак, шунча оз. Зеро, мустақиллик туфайли ҳаётимизда ёрқин саҳифалар очилди, эмин-эркин тоат-ибодат қилиш имкониятига эга бўлдик, диний-маънавий қадриятларимиз халқимизга қайтарилди. Имон-эътиқодимиз ва эртанги кунга ишончимиз мустаҳкамланди. Шаҳару қишлоқларимиз кўркам ва обод бўлди. Ҳаётимизга беқиёс маъно ва мазмун олиб кирган тинчлик дея аталмиш бу бебаҳо неъматларнинг қадрига етиш, шукр қилиш барчамизнинг вазифамиздир.

Ватан ҳимояси энг шарафли вазифа эканини яхши билган йигитларимиз жисмоний ва маънавий етукликка интиладилар. Зеро, Ватан ҳимояси ҳаёт-мамот масаласи эканини англаб етганлар. Улар аввало ўз ота-оналарини, ака-укаларини, опа-сингилларини, ўзлари туғилган шаҳар ва қишлоқларини, қавму қариндошларини қўриқламоқдалар.

Аллоҳ Таоло мустақил юртимиз сарҳадларини сергаклик билан қўриқлаётган ўғлонларимизни, Ватанимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган барча фарзандларимизни ўзининг ҳифзу ҳимоясида сақлаб, азиз диёримиз осмонини ҳамиша мусаффо, тинчлигимизни барқарор ва мустақиллигимизни боқий қилсин!

**Одилжон НАЗРУЛЛАЕВ,**
**Янгийўл туман "Жоме" масжиди имом-хатиби.**

## XXI аср ва дунё

### ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

**Шанхай шаҳри молия маркази ой тақвими бўйича кенг нишонланадиган Янги йил байрами билан боғлиқ фестивални бекор қилгани ҳақида хабар тарқатди BBC News.**

Шанхай шаҳри ҳамда анъанага мувофиқ байрам тантаналари ўтказиладиган Юйюан (Хурсандчилик) боғи маъмурияти алоҳида-алоҳида тарқатган баёнотномаларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида Янги йил байрамини нишонлаш бекор қилингани таъкидланди. Шу йил 1 январь куни Шанхайда ҳаддан зиёд одам тўпланган жойда тўс-тўполон бошланиб, афсонавий Вайтан соҳилидаги юришларда 36 киши оломон оёқлари остида эзилиб, ҳалок бўлди.

Анъанага мувофиқ, Янги йилни байрам қилиш тадбири Шанхай шаҳрида февраль ойида 18 кун давом этади ва у кўп минг сонли шаҳарликларни ўзига жалб қилади. Жумладан, ўтган йилги уч кунлик фестиваль чоғида 1,3 миллион киши иштирок этди. Бундай ҳолатларда одам кўплиги боис тез-тез ҳалокат юз бериб туради.



### БИРИНЧИ ҚОРА ҚУТИ ТОПИЛДИ

**Қутқарувчилар AirAsia компаниясининг Яван денгизи устида ҳалокатга учраган самолёт бортидаги қора қути қаердалигини аниқладилар.**



Ўзи ёзиш аппарати тарқатган сигнал уни тезда топишга ёрдам берди. Аниқланишича, у авиалайнернинг дум қисми топилган жойдан тахминан бир километр масофада эканлиги ҳақида хабар берди Xinhua агентлиги. Индонезия ҳукуматининг қидирув ишларига масъул вакилининг айтишига қараганда, қора қути сигналини қидирувда иштирок этаётган учта кема ҳам эшитган. Шундан сўнг ғаввослар ўша томонга йўл олдилар. Бироқ, ишни жадал суръатда олиб боришга мураккаб об-ҳаво шароити ва денгиздаги оқимнинг тезлиги ҳалал бераяпти.

Илгари маълум қилинганидек, 10 январь куни қутқарувчилар парчаланган самолётнинг дум қисмини денгиз тубидан олиб чиқдилар. Airbus A320 самолётининг бортида бўлган 162 йўловчининг ҳаммаси ҳалокат қурбонига айланди.

### ЕВРОПАДА СЕРИЯЛИ ТЕРАКТЛАР КУТИЛАЯПТИ

**Bild газетасининг ёзишича, разведка хизматлари тарқатган маълумотларга қараганда, Европа мамлакатларида террорчилик ҳаракатлари давом этишини тахмин қилиш мумкин.**

Илгари АҚШ мудофаа вазирлиги разведка бошқармаси директори лавозимида ишлаган генерал-лейтенант Майк Флинн: "Юз берган террорчилик ҳаракатлари бизни ажаблантирмайди. Энди унданда кўпроқ хуружларга дуч келишимиз мумкин", деди.

АҚШ миллий хавфсизлик агентлиги мутахассислари бир неча ой илгари "Ислом давлати" етакчиларининг махфий ёзишмаларидан хабар топган эдилар. Маълум бўлишича, тўртта террорчилик гуруҳи Европа мамлакатларига қочоқлар ниқоби остида киришга муваффақ бўлган. Шунингдек, террорчилик актлари уюштирилиши мумкин бўлган шаҳарлар орасида Рим ҳам кўрсатилган. Бироқ, газетанинг ёзишича, жангариларнинг аниқ режалари махсус хизмат ходимларига маълум эмас.



### ЙЎЛОВЧИЛАРНИНГ БАРЧАСИ ҲАЛОК БЎЛИШДИ

**ТАСС тарқатган хабарда Покистонда йўловчи автобуси ва бензин ташувчи машина тўқнашувида курбон бўлганлар 60 кишидан ошганлиги таъкидланди.**

Сўнгги маълумотларга қараганда, автоҳалокат оқибатида 62 киши ҳалок бўлган, улар орасида аёллар ва болалар ҳам бор. Полициячилар ҳалокат сабабини аниқлашмоқда. Баъзи маълумотларга қараганда, асосий айбдор юк машинаси ҳайдовчиси эканлиги айтилмоқда.

Тун қоронғусида автоҳалокатга учраган автобус салонида 60 дан зиёд йўловчи бўлган. Тўқнашув чоғида ёқилғи тўкилиб, ёнғин бошланган. Олов бир зумда ҳар икки транспорт воситасини домига тортган. Ҳайдовчилар машиналарни тарк этишга улгурганлар. Ҳозир улар билан терговчилар шуғулланмоқда. Маълумотда келтирилишича, автобусдаги ҳамма йўловчилар ҳалок бўлган.



### МЕРКУРИЙНИ КЎЗ БИЛАН КЎРИШ МУМКИН

**Ер сайёраси аҳолиси ушбу ҳафта давомида камдан-кам учрайдиган астрономик ҳодисанинг гувоҳи бўлишлари мумкин.**



Олимларнинг таъкидлашига қараганда, "тутқич бермас" Меркурийни махсус асбобларсиз кўришнинг деярли имконияти йўқ. Негаки, у қуёшга яқин жойлашган бўлиб, ердан кузатиш қийин. Бироқ, шу кунларда тунда ўзининг айрим хусусиятларига кўра, Ой сайёрасини эслатувчи Меркурий юлдуздан энг олис масофага, тахминан 70 миллион километрга узоқлашади. Шунда, мутахассисларнинг гапига кўра, уни кузатиш мумкин. Бунда Венера сайёраси Меркурийни топишга ёрдам беради. У энг ёрқин сайёра бўлиб, тунда яққол кўринади. Меркурий Венерадан бироз қуйида, қуёшга нисбатан жануби-ғарб томонда бўлади, деб ёзади оммавий ахборот воситалари.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Кўзгудаги ўзимиз

# ОБОДЛИК ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?



Болалигимда маҳалламизда "этукли" одамлар кўп бўларди. Искандар ота, Тўрахўжа ота, Турғун қори ота, Муаззим ота (уни негадир кўпчилик шундай атарди)... Эътиборлиси, уларнинг гапи ерда қолмасди. Айниқса, Муаззим отанинг мушоҳадаларини маҳалладошлари: "Ота шундай дедилар, бажармасак уялиб қоламиз", дея қабул қилишарди.

Маҳаллада ободонлаштириш бўладими, турли маросимларми, маҳалла раиси Тўрахўжа ота ва унинг атрофидагиларсиз ўтмасди. Айниқса, тўй ва бошқа маросимларни тинч, ортиқча ҳашамларсиз ўтказишарди. Ёшлари анча улуғ бўлса-да, Қодир заргар, Абдуқодир аллоп, Очил қори ҳам раис нима деса, маромига етказиб бажаришарди.

Ўша пайтлар қизиқ бир воқеанинг шоҳиди бўлгандим. Маҳалланинг шўх йигитларидан бири Абдусаттор Қодир заргарнинг ўғли билан гап талашиб қолиб, жаҳл устида уларнинг кўчага қараган дераза ойнасини чилчил қилди. Дарҳол милиция келиб, гуноҳкорни оёғини ерга теккизмай олиб кетди. Маҳалла фаоллари қарашса, Абдусаттор қамалиб кетадиган. Ҳар галгидек Муаззим ота ўртага тушиб, "тўполончи" кафилликка олинди. Қодир заргар даъвосидан воз кечиб, қўшимчасига бутун маҳалла бир бўлиб Абдусатторни уйлантириб қўйишни таклиф қилди. Охир-оқибатда бу таклиф амалга ошиб, тўй файзли ўтганини дадамлар яқин-яқингача гапириб юрардилар. Абдусаттор ака ҳам маҳалла фаолларини бир умр бошига кўтариб: "Қамалиб кетаётган жойимда, мени чиқариб олиб, яхши бир оилага куёв қилиб қўйишган", дея ҳурматларини жойига қўярди.

Ёдимда, у пайтлар қўйди-чиқдилар камдан-кам бўларди. Маҳалла раиси ва фаоллар муаммоларни аҳилликда бартараф этиб, ҳамманинг оғирини енгил қилишарди. Шуларни эслаб, "Бир болага етти қўшни ота-она", деган мақол қанчалик тўғрилигига имон келтираман...

Истиқлол йилларида маҳалланинг нуфузи ва турмуш тарзимизда тутган ўрни янада юксалди. Маҳалла фуқаролар йиғини раислари, уларнинг маслаҳатчилари, посбон ва фаоллар кенг кўламдаги ободонлаштириш, тарбиявий тадбирларга бош-қош бўлишаяпти.

Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ҳамма маҳаллаларда ҳам бирдек аҳил-иноқлик ҳукмрон деб бўлмас экан. Кўп қаватли уйлардан иборат бир маҳалладаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси ҳисобот бериш учун йиғин чақирди. Ширкат бошлиғи, маҳалла оқсоқоли қанчалик тайинлашмасин, бармоқ билан санарли киши йиғилди. Маҳалладошларнинг гап-сўзи-ю, ўзларини тутишларини кузатдим. Бирови боғдан, иккинчиси тоғдан келади. Умуман, бир-бирларини эшитишни ҳам, тушунишни ҳам исташмайди.

– Шу кўп қаватли уйда яшовчилар билан тил топишиш қийинлашиб кетди, – дейди ширкат етакчиси. – Йўлакдан 50 метрлар чамаси нарида махсус жой бор. Чиқиндиларни шу ерга ташлашга сабрлари чидамай, шундоққина кириш йўлагига тўплашади. Бунинг устига уй олдига ҳафталаб супурги тегмайди.

– Ўтган куни ҳашар эълон қилдик, – дейди маҳалла раиси. – Сантехник ва электр устасини ҳисобга олмаганда, кўп қаватли уйдан 2-3 кишигина ҳашарга чиқди. Ахир уй атрофи тоза, обод бўлса, ўзимизга яхши эмасми?

Ёнимда турган ўрта яшар ҳашарчидан:

– Наҳотки, бу уйда яшовчилар тоза жойда кишининг баҳридили очилиб, кўнгли равшан тортишини билишмаса? – деб сўрадим.

– Э, ука, бунақа гапларга мени аралаштирманг. Манави ширкат раиси ҳадеб гапираверганидан сўнг тушдим ҳашарга. Нима, менга бошқаларга қараганда кўпроқ нарса керакми? – деди энсаси қотиб.

Бир йили Фарғонада бўлган ҳолатни эсладим. Шаҳар кўчаларини айланиб, бир хонадон олдидан ўтар эканмиз, шеригим жўшиб кетиб:

– Ўзбекнинг ўзбеклигини билдирадиган мана бу жамбилу райҳонларни қаранг, қандай чиройли. Барқ уриб ўсиб ётибди. Экканнинг отасига раҳмат, – деганди ўшанда.

Нега кўп қаватли уйлар атрофини ҳам жамбилу райҳон, гулларга буркамаймиз? Ободлик қаердан бошланади ўзи?

Шундай саволлар бошимда чарх урар экан, маҳалламиз фаоллари Муаззим ота, Тўрахўжа ота, Қодир заргар, Абдуқодир аллоп, Очил қори каби табаррук кексалар хотираси кўнглимдан ўтди.

**Неъмат РАФИҚОВ.**

Кўргазма



«Туркистон-пресс».

# АРМИЯМ – МЕНИНГ ФАХРИМ

**Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Бадиий академия ҳамкорлигида "Менинг армиям – менинг фахрим" деб номланган кўргазма ташкил этилди. Унда 350 дан ортиқ расм, шунингдек, халқ амалий санъатининг бошқа турларига оид ижодий ишлар намойиш этилмоқда.**

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А. Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямизни изчил ислоҳ этиш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар самарасида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, ҳудудий яхлитлиги ҳамда сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армиямиз шаклланганини таъкидлади.

Кўргазма иштирокчилари – Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талаба-магистрантлари, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари чизган расмларда истиқлол йилларида юртимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар, ҳар томонлама яхши қуролланган, техник таъминланган армиямиз ҳамда ҳарбийларнинг фаровон ҳаёти моҳирона акс эттирилган.

– Халқимизнинг турмуш тарзидаги ўзгариш ва янгиланишларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз, – дейди капитан Жамшид Султонов. – Ушбу расмлар ва ижодий ишлар кўргазмаси ҳам халқимизнинг фаровон ҳаётидан далолат беради. Мамлакатимизда ижодкорларнинг ўз интеллектуал салоҳиятини намоён этиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

**Ф. ИБОДОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Жиноятга жазо муқаррар

# НАФСИНИ ТЕРГОЛМАГАН ТЕРГОВЧИ

Инсон ҳаёти хатолардан, адашишлардан ҳоли бўлмайди. Бинобарин, одам ғўрлиги, уқувсизлиги туфайли билиб-билмай янглишиши мумкин. Бироқ, оқ-қорани аллақачон таниб улгурган, ҳаёт оқимини бир ўзанга солиб турадиган қоидаларни яхши билган, борингки, ўзи қонун ҳимоячиси бўлган одам жиноятга қўл урса, бунга нима дейиш мумкин?

Х. Маҳмудов бир муддат вилоят прокуратурасида тизимнинг "оби-ҳаво"сини ўргангач, 2012 йил январь ойидан Оҳангарон тумани прокуратурасида терговчи лавозимида иш бошлади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, унга ишонч билдирилиб, туман прокуратурасининг катта терговчиси лавозимини раво кўришди. Мансаб пиллапояларидан секин-аста кўтарилиб бораётган ёш қонун посбони бу вазифа унга тараллабедодлик эмас, катта масъулият юклашини, афсуски, англаб етмади. Аксинча, хизмат вазифасини ҳалол ва виждонан бажариш, қонунбузилиш ҳолатларига қарши муросасиз курашиш, оддий одамлар ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш ўрнига тезроқ ҳамёнини қаппайтириш пайида бўлди. Ғаразли мақсадларига эришиш учун порахўрлик қилишдан уялмади.

Ўша кезларда давлат-тижорат "Халқ банки" Оҳангарон филиалининг бир гуруҳ раҳбарларига жиноят иши очилиб, уни юритиш Х. Маҳмудов зиммасига юкланди. Банк филиали бошқарувчиси М. Эрматов ва ўринбосари О. Қулбоев ҳамда бош ҳисобчи Қ. Юсуповга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли модда ва бандлари билан қўзғатилган иш прокуратуранинг "ҳожатбарор" терговчиси қўлида бамисли кулолнинг лойига айланди. Ундан хоҳласам кўза, хоҳласам хурмача ясайман деб хаёл қилган терговчи "лой"ни обдон пишита бошлади. Ҳузурига кунда-кунора терговга келиб турган банк ходимлари бундай кезда терговчининг йўриғидан бошқа қаерга юрсин? Тагдор гап-сўзлар, киноя-кесатиқлар, коса тагидаги нимкосалардан аён бўлдики, айбдорлар озроқ "харажат"ига чидашса, олам гулистон экан. Шундай қилсалар, уларга нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланмас, жиноят ишлари ҳам енгилроқ модда билан тавсифланар экан. Терговчи ҳузуридан "муносиб хулқ-атворда бўлиш"га тилхат бериб, осон қутулган банк филиали бошқарувчиси М. Эрматов олдида бошқа бир муаммо, яъни келишилган пора – 3000 АҚШ долларини топиш ва енг ичида "эгаси"га элтиб бериши керак эди. Эрматов ҳамтовоқлари билан маслаҳатлашиб, улардан ҳам баҳоликудрат пул ундириб, келишилганидан хийла кам – 2300 АҚШ долларини тўплаб, "ҳожатбарор" терговчига қуртдек санаб берди. Қаранг, терговчида ҳам "инсоф" бор экан, луқманинг кемтигига парво қилмади, "борига барака", деди.

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ, деганларидек, вақтида қонуний жазо берилмаган бир жиноят иккинчисига йўл очди. Аниқроғи, қилғиликни қилиб, қонуний жазодан осон қутулган банк ходимлари жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттирдилар. Улар ўзларининг турфа молиявий "ўйин"ларини бир қадар синашта бўлиб улгурган туман прокуратураси терговчиси Х. Маҳмудовга ишониб қилганмилар-йўқми, бирон нима дейиш мушкул. Аммо, уларга нисбатан навбатдаги жиноий иш ҳам худди шу Маҳмудовнинг чекига тушганига нима дейсиз?

Бу сафар терговчи ҳам, ҳамтовоқ банк ходимлари ҳам бир-бирларини тезда тушундилар. Гап шундаки, 2013 йилнинг апрель ойида худди шу банкнинг мансабдор шахслари М. Эрматов ва Қ. Юсуповга нисбатан Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Аввалдан синашта бўлиб қолган терговчи бу ишда ҳам Эрматовга имкон қадар енгиллик яратиб бериш, Юсуповни эса "Амнистия акти"га мувофиқ жазодан озод қилишга кўмаклашиш эвазига эски мижозлардан 1700 АҚШ доллари ундирди.

Алқисса, қабоҳатнинг йўли узун бўлмади. Нафси ҳаккалак отган терговчининг ҳам, давлат пулини талон-торож қилишга уринган банк ходимларининг ғирром ўйинларига ҳам вақтида нуқта қўйилди.

Оҳангарон прокуратурасининг собиқ катта терговчиси Х. Маҳмудовнинг бошқарув тартибига қарши жиноятлар туркумига кирувчи хатти-ҳаракатларига жиноят ишлари бўйича вилоят судида холисона баҳо берилди. Холдор Маҳмудовга нисбатан Жиноят кодексининг 210-моддаси "б" банди қўлланилиб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Шунингдек, у 3 йил муддатга мансабдорлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги қарорида кўзда тутилган инсонпарварлик тамойилларига мувофиқ, унга нисбатан амнистия акти қўлланилиб, тайинланган жазонинг ўталмаган муддати учдан бир қисмга қисқартирилди.

"Қози муттаҳам бўлса, додингни кимга айтасан?" деган гап бор. Эҳтимол, Оҳангарон тумани прокуратурасининг собиқ катта терговчиси Холдор Маҳмудов ҳозирги тангу тор панжара ортидаги афтода аҳволида шу гап замиридиги ўкинч ва пушаймонларни бир қадар ҳис этаётгандир. Аммо, бундан энди ҳеч бир наф йўқ...

**Ботир НОСИРОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.
**e-mail:**
th.tp@mail.ru

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
**Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи
**Наргиза ҲАСАНОВА**
Саҳифаловчи
**Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-1831. Адади 15264. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40.